

СОФОНІ
ТРАГЕДІЯ

СОФ

АСКАД МУХТОР
ТАРЖИМАСИ

ОҲН

шоҳ энун
ТРАГЕДИЯ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1979

Рассом К. Воробьев

**© Ғафур Ғулом номидаги Адабмёт ва санъат
навриёти, 1979 й. (Тарж.)**

СҮЗ БОШИ

Энг буюк қадим юон драматурги Софокл мелодий ҳисобимиздан олдинги 497/496 иили, Афинага яқин Колон деган жойда туғилган. Отаси Софиля қурол-ярғ устахонаси очиб, то-пар-тутарини яхшилагач, ўғлига яхши тарбия ва маълумот берди. У давр Афина ёшларининг таълим-тарбия программасига кўп турли илм-фанилардан ташқари, гимнастика санъати ва мусиқий билимлар ҳам киради. Аввал Софоклнинг катта мусиқий истеъоди намоён бўлди. Унинг мусиқий асарлар басталаш билан астойдил шуғуллангани, ўз трагедиялари учун мусиқий парчалар ёзганлиги маълум. Софоклнинг бастакорлик истеъоди яна шундан ҳам аёнким, 480 иили денгиз жангি галабасини нишонлаганда афиналиктар тантанали гимн ижросини ўн беш яшар Софоклга топширган эдилар.

Аммо унинг мусиқий асарлари бизгача етиб келмаган.

Софокл драматург сифатида биринчи марта 468 иили майдонга чиқади: бу соҳадаги мусобақаларда у ўз машҳур устози Эсхилдан устун келиб, Плутарх қўлидан қимматбаҳо соврип олади.

Софокл трагедияларидан еттитасигина бизгача етиб келган. Топилган ва ҳозиргача топилайтган парчалар шундан далолат берадики, унинг драматик асарлари жуда кўп бўлган. Аристотелнинг «Поэтика»да хабар беришича, буюк драматург саҳна санъати назарияси бўйича ҳам кўп янгилклар кирилган: хор таркибини ўзгартган, иштироқчилар сонини оширган, мусиқий парчалар жорий этган, театр декорацияси қўллай бошлаган ва ҳоказо. Гётенинг айтишича, «Саҳна санъатини Софоклчалик ѡч ким билмаган».

Софокл «Шоҳ Эдип» трагедиясида қадим юон мифологиясидан кенг фойдаланади. Карл Маркс мифологияни «Юон санъатининг куч ва воситаларигини эмас, балки замини ҳамдир» деб кўрсатган эди. Софокл ва бошқа юон драматурглари ҳатто тарихий воқеаларни тасвирлаганда ҳам анъанавий мифологик планда яъни гайритабиий ҳодисалар, мўъжиза ва қисмат таъликалари воситасида ишлаганлар. Улар учун тарих ва миф ҳодисаларининг аниқ чегараси бўлмаган. Трагедияларнинг мифологик асоси у даврларда томошабинлар учун ҳам одатий ҳол бўлиб, бу саҳна томошаларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Чунки, томошабин миф бўйича асарнинг фабуласини яхши билади ва бутун диққатини драматург-

нинг фикри ва маҳоратини кузатиб боришга йўналтиради.

Мифларнинг одатда кўп варианatlари бўла-ди. Драматурглар уларни истаганча ўзгартириб, ўз гояларига мослаб, ижодий ҳайта ишлаган-лар. «Шоҳ Эдип» бунга мисол бўла олади. Эдип ҳақидаги миф Ҳомернинг «Одиссея»сида ҳам бор эди. Аммо Софокл унга жуда аниқ психо-логик ишлов беради, уни «қисмат фожиаси»дан чинакам инсоний драмага айлантиради, воқеа-ларнинг оқимида, персонажларнинг барча туй-гу ва кечинмаларида сиз ҳаётий ҳақиқатни яқ-қол кўрасиз. Эдипнинг ўз умри сирларини би-лиш жарабёни унга мудҳиш тақдирни очибгина қолмай, ўз айбига икror бўлишга ҳам олиб келади. Шунинг учун у илоҳий қаҳр-ғазабни кутиб ўтирамай, ўзига ҳукм чиқазади: кўзлари-ни жароҳатлаб, ўзини Фивадан бадарга қилиш-ларини талаб этади. Инсон ўз қилмишларига ўзи масъулдир; инсон безавол ва беажал танг-рилардан шу билан фарқ қиласиди, унинг ҳаёт-ти доимий курашларда, ҳар қандай ғовларни енгиб ўтиш учун интилишда ўтади.

Шундай қилиб, Эдип ўзи устидан ўз ихтиё-ри билан даҳшатли ҳукм ижро этиб, бош узра таҳлика солиб турган маънисиз қисматни енгиб ўтади.

Мифда мана шу қисмат энг биринчи ўринда туради, Эдип шахс сифатида таҳдил этилмайди. Софокл трагедиясида эса тақдир ҳаҳрамон йўлида бир ришта холос, Эдип умуминсоний аҳамиятга эга бўлган чуқур ва мураккаб образ-га айланади.

Софокл қуий табақа вакилларини (соқчи, элчи, подачи) алоҳида диққат билан тасвирлайди, уларнинг диалогларида халқ донолигини акс эттиради.

Буюк Аристотель ўз «Поэтика»сида дра-матургия назариясини Софокл тажрибалари асосида яратади. Софокл ижоди унга Платон-нинг идеалистик қарашларига қарши курашда, санъетнинг ижтимоий моҳиятини таърифлаш-да ёрдам беради. Унинг фикрича, Софокл тра-гедиялари ижтимоий ҳаёт воқеаларининг мо-ҳиятини очади, томошабинни ҳислар түғёнида тоблаб, фикр ва туйгуларини поклайди, ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур этади. Шунинг учун Софокл трагедияларидаги воқеалар нақадар даҳшатли бўлмасин (буни Ҳамза номидаги театримизда «Шоҳ Эдип» спектаклини кўрган томошабинлар тасдиқласа керак) ҳамма вақт оқибатда кучли, тетик, ёрқин таассурот қолди-ради.

Таржимон

ШОХ ЭДУН

ТРАГЕДИЯ

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Эдип.
Коқин.
Креонт.
Фива шаҳри оқсоқолларининг ХОРи.
Тиресий.
Иокаста.
Элчи.
Лайнинг чўпони.
Эдипнинг хизматкори.

РАССОМДАН

Софокл трагедияларини томоша қилгани келган эллинлар асар қаҳрамонларининг тарихини жуда яхши билардилар, хусусан, Афина даги кўпчилик доингдор оиласалар ўз насл-насабларини аксар ҳолларда бу трагедияларда учраған миф персонажларига обориб тақар әдилар. Одамлар ҳётига сон-саноқсиз худоларнинг аралашуви мутлақо табиий ва одий ҳодиса эди: ўз ижтимоий қонунларига эга бўлган қулдорлик жамияти одамларнинг тасаввурида яратилган бу олий мавжудотлар бизнинг илоҳий комил тушунчаларимизга тўғри келмайдиган хусусиятларга эга эди. Фитначи, қасоскор, ёвуз худолар худо номидан ҳукмронлик қилувчи бу дунё зўравонларини ёдга соларди.

Томошабинлар Софоклнинг маҳорати, сюжет йўналишлари, манзума санъатидан завқланишар, бузук ҳукмронлигу зўравонлик акти бўлмиш ҳодисаларни бутуилай хотиржамлик билан қабул қиласаларни. Худолар Фива шоҳи Лайни жазолаш учун (бу улар учун чўт эмас эди) унга ўз ўғлинг қўлидан ўласан деб каромат қиласалар. Лай, тугилган чақалоқдан қутулиш мақсадида унинг оёқчаларини тешиб, тешикдан чийирма арқон ўтқазиб боғлатади ва тоғларга элтиб ташла деб ўз хизматкорига бериб юборади. Бу воқеа у давр томошабини учун табиий бир нарса эди. Хизматкорининг раҳмдиллиги туфайли омон қолган болани кейинчалик Коринф шоҳи ўғил қилиб олиши ҳам, Эдип катта бўлгандা падаркуш бўлиши ва ўз онасига уйланиши учун шароит яратилиши ҳам, шундай қилиб Эдипнинг сохта ота-онадан қочиши ва ҳақиқий отаси билан тўқнашиб қолиб, йўлакай рўй берган жанжал чори жаҳл устида уни ўлдиришга мажбур бўлиши ҳам ҳеч кимни ҳайратга солмас эди. Фиваликларни сфинкс балосидан қутқариб Эдипнинг шоҳ бўлиши ва бева қолган онасига уйланиши, тўрт бола кўргунча маълум муддат шоҳлик қилиши ва ниҳоят худолар бир ҳузур қилиб ўз қудратларини яна бир намойиш қилишлари, яъни шаҳарга вабо ёғдиришлари, то Эдипнинг ўз айбларини аниқлаш учун худоларга элчи юбориши өсига келгунча Фива адолисининг ярми қирилиши — буларнинг ҳаммаси қонуний бўлиб туюларди...











Машъум иғволар тўрига тушиб қолган, лекин ҳеч нарсадан хабари бўлмаган одамнинг фожиаси бу. Ўзи зулмга дучор бўлатуриб тагин устига устак айбланган одамнинг фожиаси бу. Ҳақиқий қотилларнинг ҳакамлар сифатида тантана билан майдонга чиқишини кўрсатувчи фожиа бу. Софокл трагедияси шундан баҳс юритади.



ПРОЛОГ

Эдип

Э, Кадм* бобонинг ёш авлодлари!
Шаҳримиз кўқида илтижо, фарёд,
Аза қўшиқлари янграган маҳал
Нега сиз меҳроблар рўпарасида
Ибодат ниҳолин ушлаб турибсан?
Улкангизда отим — шуҳратли Эдип,
Бу ҳолнинг сабабин билмоқни истаб
Мана бугун келдим ҳузурингизга.
Қани, айт, қария,— ёшлар номидан
Арау изҳор этмоқ сенга ярапур,—
Нега тўпландингиз бу майдон аро,
Қўрқиб келдингизми ё арз биланми?
Тила,
тилагингни келтирай бажо,
Утиниб келганга марҳаматим кенг.

Коҳин

Кишваримиз ҳокимисан, Эдип!
Ешу қари — жаммиз, кўриб турибсан:
Темир қанот полапонлар шунда,
Ёшини яшаган коҳинилар шунда,
Мен ўзим Зевснинг коҳинидирман,
Мана, фуқаронгнинг гули, қаймоги,
Халқ эса бошига гулчамбар тутиб,
Паллада*нинг икки қадамжосида,
Қурбонлар хокидан башорат кутиб,
Исмена* бўйида турар мунтазир.
Шаҳримиз ларзада тўфон туфайли,
Кўриб турибсанки, бош кўтаришнинг
Иложи ўйқ қонли тўлқин қаъридан.
Ниш урмай илдииздан қуриди экин,
Офат қириб кетди йилқи, чорвани,
Улик тугилмоқда фарзандларимиз.
Исканжага олиб даҳшатли қиргия,
Улим азобида тўлганар шаҳар.
Кадм хонадони ҳувиллаб қолди,
Соялар дунёси — у дунё, дўзак
Яна оҳ-нолалар билан бойиди.

Сени худоларга тенгламайман, йўқ,
Офатни енгишда тенгинг йўқ, аммо
Худолар билан тез тил топишасан.
Фивага келдинг-у, аждаҳо қуш*га
Тирик бож тўлашдан бизни қутқардинг.
Бехабар бўлсанг ҳам бизлардан у пайт,
Худолар измидан оғишмай келиб,
Ҳаёт бердинг биздай бечораларга.
О, мардларнинг марди, ҳақиқий иисони,
Ҳозир ўтич билан келдик қошингга:
Бизнинг иродамиз, худо амри-ла
Нажоткоримиз бўл, шаҳаншоҳ Эдип!
Маълумки, донолар кенгаш берганда
Одамнинг мушкили бўлади осон.
Сен ҳалоскор эдинг. Келажакда ҳам
Яхши номинг билан фахрланайлик:
Азм эт, шаҳримизнинг қаддини тикла!
Қоядай тебранмас бир қалъа бўлсин!
Бир вақт жонимизга ора киргандинг,
Яна бахш айлагил бизга саодат!
Бу юртга ҳокимлик қилмоқчи эрсанг —
Инсон бўлсин унда, бўлмасин саҳро.
Ахир мисли япроқ денигизда кема,
Қочиб кетган бўлса муҳофизлари.

Э д и п

Бахтсиз нарасталар! Кўриб турибман:
Беадад ғазобда, изтиробдасиз.
Шаҳрим деб оташда қалбим тўлғанар,
Сизни деб тўлғанар оташда қалбим;
Аммо биронтангиз менчалик ёнимас,
Менчалик тортмагай унинг дардии.
Мангу бедорман мен, гафлатда эмас,
Аччиқ кўз ёш тўқдим йўлда беҳисоб,
Беҳисоб йўл босдим хаёлга чўмиб
Шундай қарор топди охир ўйларим;
Қайним Креонтни Фебга йўлладим,
Токи билиб келсин, қандай сўз билан,
Қандай тадбир билан қутқазай шаҳрим.
Аммо ташвишдаман, у қайтмаяпти,
Қайтадиган пайти ўтиб кетмоқда,
Қайтиб келганида, мен шоҳ эмасман —
Бажо келтирмасам илоҳ амрини!

К о ҳ и н

Мавридида айтдинг, Креонт қайтмоқда,
Гойибдан ишорат келди, шоҳ Эдип.

Э д и п

О, Аполлон! Берган хабарлари
Унинг чеҳрасидай қутлуг бўлсайди.

К о ҳ и н

У ғоятда хушиуд! Йўқса манглайнин,
Дафна япроги-ла чулгамас эди.

Э д и п

Ҳозир маълум бўлар. Сўраб кўрамиз.
Ҳой, Менекей ўғли, қондошим, айт-чи,
Худодан не хабар келтирдинг бизга?

К р е о н т

Хуш хабар келтирдим; йўл кўрсатди у:
Кушод ўлгусидир ҳар қандай мушкул.

Э д и п

Қандай хабар ахир? Бу сўзларингдан
На далда, на даҳшат сезади кўнглим.

К р е о н т

Шу авом олдида айт деяпсанми?
...Лекин уйга кирсак яна яхшироқ.

Э д и п

Йўқ, сен айт, ҳаммаси эшитсин, қани,
Шуларниг дарди-ла куюимоқдаман.

К р е о н т

Ижозатинг билан изҳор этаман,
Тангрим Аполлоннинг амру ҳукмини:
•Бу юрт тупроғида бир қонли доғ бор,
Ювиг ташлаш керак газак олмасдан•.

Э д и п

Қандай? Нима билан? Очиқроқ гапир!

Креонт

Сургун ё қонга қон! Чунки шаҳарнинг
Мудҳиши қатл билан булғангани шаъни.

Эдип

Кимнинг тақдирини кўзлайди тангрим?

Креонт

Шоҳим, сендан олдин бизнинг Фивада
Лай деган шаҳаншоҳ ҳукмрон эди.

Эдип

Шундай, аммо ўзин кўрган эмасман.

Креонт

Уни ўлдирдилар. Худо амри шу:
Қотил ким бўлса ҳам қасос оласан.

Эдип

Аммо у қаерда? Қайдан излайман —
Бу кўҳна жиноят изларини мен?

Креонт

Қотил шу атрофда,— деб айтди тингрим,—
«Излаган топади, лаллайган топмас».

Эдип

Қайда ўлдирилган эди ўша Лай,
Үйдами, даштдами ё чет элдами?..

Креонт

Эзгу бир иш билан йўлга отланиб,
Кейин шу сафардан қайтиб келмабди.

Эдип

Шоҳнинг бормидийкин йўлда йўлдоши,
Гувоҳлик бермасми бирон тирик жон?

Креонт

Бари ўлдирилган. Фақат бир чўпон
Ўлим даҳшатидан қочган дейдилар.
Ана ўша чўпон бир сўза айтганмиш...

Э д и п

**Нима сўз? Ўша ҳам кифоя бизга,
Калаванинг учин топиб олсак бас.**

К р е о н т

**Шоҳни босқинчилар ўлдириди, денти,
Бирмас, кўпчиликтининг иши экан бу.**

Э д и п

**Қотил азм этолмас, гар қўлламаса
Сарой аҳли ичра бирон-бир хони.**

К р е о н т

**Балки... Аммо ўша кулфатли йиллар
Шоҳнинг топилмади қасоскорлари:**

Э д и п

**Шоҳ ҳалок бўлса-ю, қандай кулфатлар
Қотилни топишга берармиш халал?**

К р е о н т

О, аждаҳо қушнинг қонли божлари...

Э д и п

**Йўқ, бу жумбоқни мен ечмоқ истайман,
Бу — марҳум олдида бизнинг қарзимиз.
Менга таяннинг сиз, сен ва Аполлон,
Ватан ва тангримнинг қасосин олай.
Мен бошқа бироннинг ташвишида эмас,
Ўзимнинг виждоним пок бўлсин дейман.
Қотил ким бўлса ҳам ўша қўл билан
Мендан ҳам ўч олар. Лайни хотирлаб
Демак, қўриқлайман ўзимни ўзим.
Туринг зиналардан, эй фарзандларим,
Опкетинг ибодат ниҳолларини!
Фива фуқаросин йигинг майдонга,
Мен азм этдим, худо амри билан
Ё толе ёр бўлгай, ёки ҳалокат.**

К о ҳ и н

**Турайлик, ҳалойиқ! Кўнглимиздагини
Шоҳнинг ўзи тоғди, ўзи гапирди.**

Тангри башпоратин йўллаган эдя,
Энди ўзи берсин қиргинга барҳам.

К е т а д и л а р .

П а р о д

Х о р

1- с т р о ф а

О, Зевснинг қуттуғ овози!
Зар Пифон*дан машҳур Фивага —
Шаҳримизга нелар келтирдинг?
О, Аполлон — шифокоримиз!
Андишадан қалбим титроқда,
Бир томчи қонимдан кечгил, сўрайман:
Борайликми зиёратингга,
Ё басми шу ерда янги ибодат?
Хабар бер, хабар бер, о умри боқий,
Эзгу Үмид билан туғилган овоз!

1- а н т и с т р о ф а

Зевснинг шонли қизи — Афина!
Артемида — унинг синглиси,
Юртимизнинг ҳомийларисиз,
Шаҳримизнинг бош майдонида
Шуъла сочиб турар тахтингиз,
Ҳамда сен, Феб — беназир мерган!
Ўлим билмас уч балогардон!
Қачонлардир сиз шаҳримиздан
Офатни даф этган эдингиз.
Овоз беринг яна, мадад беринг яна,
Бугун яна бўлинг намоён!

2- с т р о ф а

Мудҳиш офат келди, ночормиз!
Шаҳримизда кезади қиргин,
Даф этарга тадбиримиз йўқ,
Идрокимиз ожиз, ё фалак!
Волидамиз Гея авлодлари
Ўсмай сўлаётир она қорнида.
Одамзодни қара, бирма-бир
Юмалаб бормоқда ажал уфқига,

Юмалаб бормоқда учар қуашдан теа,
Олевбардор қиргиндан жада.

2- антистрофа

Шаҳарда қурбонлар бедисоб,
Кўчаларда таратар бад бўй,
Аза тутилмаган,
Есин ўқилмаган,
Дафи этилмаган мурдалар;
Ибодатхоналар остонасида
Фарёд чекмоқдалар, сенга ёлбориб,
Сочлари оқарган онаизорлар.
Дуолар инграшлар билан омихта,
О, Зевснинг нурафшон қизи,
Сочгил шўрликларга марҳаматингни!

3- строфа

Бизни мис қалқонсиз қираётган
Оловбардор ажал тангрисин
Она еримиздан қувгил, алҳазар!
Улоқтиргил денгиз қаърига.
Е мудҳиш тўфонлар қутурган
Қўналгасиз соҳилларга элт.
Сабримиз косаси лиммо-лим тўлди,
Қора тундан бадтар кунимиз.
О, чақмоқ қайчисин тутган ота — Зевс,
Ендири уни оташгоҳингда!

3- антистрофа

Ликия тогларининг шоҳи Аполлон,
Олтиндан қўйилган ўқ-ёйинг билан
Ажал ёғдир ёвларимизга!
Эзгу тогда учган Артемида ҳам
Кафтидан душманга ўт сочин!

Зади пикиради.

БИРИНЧИ ЭПИСОДИЙ

Эдип

Менга ёлбордингиз, мен берай жавоб:
Умид болгайберинг ҳимоятимга.
Асло кам бўлмайсиз холис нутқимви

Меҳр-эҳтиром билан уқиб олсангиз.
Мен холисман бунда, ўзим ёлғизман,
Қаёққа ҳам борай сиздан ажралиб.
Янги фуқароман бу юртингизда,
Кадм авлодлари, қадрдонларим!
Шоҳнинг қотилини билган зот борми?
Мабодо бўлса-ю, беркинган бўлса,
Ўлдирмайман, билсин, қўрқмасин,
Фақат шаҳримизни тарк этиши шарт;
Бордию у қотил ажнабий бўлиб,
Сизга ошна бўлса — айтилг, чўчиманг,
Раҳму мурувватни аямагайман.
Аммо ўзингиздан хавотир олиб,
Е юз-хотир қилиб ошнангизни,
Сукут сақласангиз мана бу хилда,
Унда қулоқ солинг, фармойишим шу:
Қотил ким бўлса ҳам, менинг мулкимда
Унга топилмасин ошён, бошпана!
Саломига алик, арзига жавоб,
Қўл чўёсса бурда ион, сув берилмасин.
Ман эттилсин унга тоат-ибодат,
Бирон остонаяга қўймасин қадам;
Чунки шаҳримизга келган қиргиннинг,
Бутун оғатларнинг боиси ўша!
Шундай деб Аполлон қилди башорат,
Мен унинг муҳиби ҳам мухлисиман
Ва қасос оламан шоҳ қотилидан.
Қотил бир кишиими, ё кўнчиликми,
Лаънатлай уларни, то тавқи лаънат
Бир умр тушмасин гарданларида!
Бордию у менинг хонадонимда
Бирон паноҳ топса, мен бўлсам сабаб,
Қасамёд этайки, биринчи галда
Мени қатл этсангиз розиман, рози.
Үртада шаҳакиҳоҳ, ўртада худо,
Үртада оғатга йўлиқкан кишвар,
Тапгридан башорат бўлмаганда ҳам,
Шуҳратли шоҳ хоки-поки учун
Оқлашингз керак виждонингизни.
Тилтув эълон қилинг мамлакат бўйлаб!
Мен шоҳнинг тахтини қабул қилдиму
Малика ҳам жуфтни ҳалолим бўлди.
Афсус, зурриётсиз эди марҳум шоҳ,

Акс ҳолда боқардим фарзандларин ҳам.
Майли, ўзим бўлиб хунталаб ўғли,
Бел боғлай қотилин излаб топишга.
Қасамёд этаман, шу йўлдан қайтсам
Экканим унмасин она еримда,
Худо маҳрум этсин мени зурриётдан,
Азобда жон берай қултум сувга зор!
Сиз маъқул кўрдингиз тадбирларимни,
Кадм авлодлари, сизга тилагим:
Худолар ёр бўлсин омолингизда,
Йўлда йўлдош бўлсин сизга Адолат!

Х о р

Онтингта онт билан жавоб берай, шоҳ:
Қотилни билмайман, қотил эмасман.
Гар, шаҳримиз ҳаққи, қилсак илтижо,
Айбдорни Аполлон топиб беражак.

Э д и п

Мулоҳазанг тўгри. Аммо иочормиз:
Худо бандасининг измида эмас.

Х о р

Бўлмаса, иккинчи, тузукроқ тадбир...

Э д и п

Иккинчи, учинчи...— айтақол тезроқ.

Х о р

Авлиё Тиресий гоҳ кароматда
Буюк Аполлоннинг ўзидаи зийрак.
Ўндан ҳақиқатни билмогинг мумкин.

Э д и п

Мен ҳам Креонтнинг кенгаши билан
Бирдан икки чопар жўнатдим унга.
Ҳаяллаб қолмоқда лекин, ҳайронман...

Х о р

Аммо яна эски бир мишиш ҳам бор...

Э д и п

Гапир! Мен ҳаммасин билишим керак.

Х о р

Шоҳни йўловчилар ўлдирган эмиш...

Э д и п

Эшигдим; гувоҳни аммо кўрмадим.

Х о р

**Лекин у озгина қўрқоқроқ бўлса,
Сенинг дағдагангга бардош беролмас.**

Э д и п

Иши ботир одам сўздан қўрқмайди.

Х о р

**Худо ярлақаган азиз авлиё,
Башорат соҳиби келди, қаранглар!
Ҳақиқатдир унинг йўлда йўлдоши.**

Т и р е с и й киради.

Э д и п

**О, еру осмоннинг сирри-асорорин
Мудом кўриб турган кекса Тиресий!
Пойтахтимизнинг бошига тушган
Чексиз мусибатни кўнглиниг сезандир,
Халоскоримиз деб сени танладик.
Сенга айтмагандир элчиларимиз
Аполлон — тангрининг башоратини:
Излаб тоғмагунча шоҳниг қотилин,
Уни шаҳримиздан даф этмагунча
Қутулмаймиз экан мудҳиш қиргинадан.
Мана, умидимиз сенда, авлиё,
Фолбин қушларингни, майли, ишга сол,
Халос қиласи Фивани, мени, ўзингни!
Покла шаънимизни, қон догини юв,
Буюр, мунтазирмиз фармойишингга,
Биз мадад берайлик баҳоли қудрат.**

Т и р е с и й

**Билган нарсанг кони зарап бўлса,
Билимдонлик мудҳишдир, ёраб!**

Кўрган-билинларим бўлди фаромуш...
Бўлмаса келмасдим ҳузурингга, шоҳ.

Э д и п

Нима гап? Нимадан андишадасан?

Т и р е с и й

Мен кетай, рухсат бер! Ҳозир ажрашсак —
Сенинг ҳам, менинг ҳам юкимиз енгил...

Э д и п

Гапларинг кўп мужмал... Бундан чиқдики,
Қадрдан Фивани севмас экансан.

Т и р е с и й

Ҳозирги ҳар сўзинг бошингга бало,
Мен ҳам шу аҳволга тушмасам дейман...

Х о р

Тирик жонлар ҳаққи, билсанг — яширма,
Ёлбордик тиз чўкиб оёқларингта.

Т и р е с и й

Ақлдан озманлар! Үлсам очмасман
Қалбимдаги сирни... баҳтсизлигинги...

Э д и п

Ҳали айтмайсанми? Билиб туриб-а?
Ниятинг Фивани ҳалок этмоқми?

Т и р е с и й

Сен мени ранжитма! Бир сўз айтмайман.
Қийноққа солгим ўйқ ӯзимни, сени...

Э д и п

Тошини ҳам газабга келтирас гапинг!
Айтасанми, йўқми? Ярамас!
Токай бу парвосиз қайсаликларинг?

Т и р е с и й

Мени ранжитасан, таҳқир этасану,
Гофилсан ўзингнинг хулқ-авторингдан...

Э д и п

Қаҳру газабимнинг боиси шуки,
Дардкаш шаҳримизни беҳурмат қилдинг.

Т и р е с и й

Қисмат воқе бўлур, айтсам-айтмасам.

Э д и п

Бўлмаса нимага айтавермайсан?

Т и р е с и й

Бир сўз ҳам айтмайман. Ихтиёр сенда,
Газабдан ловуллаб ёнсанг ёнавер.

Э д и п

Менинг дилимдаги — мудом тилимда.
Билиб қўй, шубҳага солдинг кўнглимни:
Балки жиноятга бош қўшгандирсан?
Заиф бўлмаганда кўзинг, худо ҳаққи,
Қотил мана шу, деб эълон қиласадим!

Т и р е с и й

Шундайми? У ҳолда мен ўз устингдан
Сенинг ўз ҳукмингни эълон қиласан,
Халойиққа тегма, мени қўй, чунки
Юрга бу оғатни келтирган — сенсан!

Э д и п

Бу шарму ҳаёсиз сўзларинг учун
Тилаб олмоқдасан мудҳиш жазони!

Т и р е с и й

Жазолаб бўлмайди Ҳақиқатни, шоҳ.

Э д и п

Наҳотки, жазодан холиман, десанг?

Т и р е с и й

Жазодан холиман, агарчандики
Жаҳонда бир зарра ҳақиқат бўлса.

Э д и п

Ҳа, ҳа, жаҳонда бор, аммо сенга — йўқ,

Кўзинг ҳам йўқ, қулогинг ҳам, фаросатинг ҳам.

Т и р е с и й

**О, шўрлик, яқинда шу сўзлар билан
Ҳар бир қул ҳақорат этажак сени...**

Э д и п

**Сен, мангу зимиштон кўршапалаги,
Кўзи очиқларга қилурсан таҳдид?**

Т и р е с и й

**Йўқ, йўқ, сен ўлмайсан менинг қўлимда,
Буни изжро этар тангрининг ўзи.**

Э д и п

Бу, сенинг фитнангми, Креонтикими?

Т и р е с и й

Йўқ, йўқ, сен ўзингга ўзинг душмансан.

Э д и п

**Молу дунё! Ҳукмронлик! Ҳайҳот,
Ҳаёт жангларида сиздан зўри йўқ!
Сеҳри жодуингиз шундай кучлики,
Креонт, ўтмишда содиқ қардошим,
Илондай қўйнимга сиргалиб кириб,
Менга ихтиёрий халқ берган тахтии
Тортиб олмоқ учун белин боғлабди,
Фойдадан бошқасин кўрмаган бу кўр —
Елғончи ва айёр бу авлиёни
Менинг ҳузуримга йўллабди бугун.
Менга қара, халқни аждаҳо қушдан
Сеҳрли сўз билан қутқазолдингми?
Унинг жумбоқларин ечолмаганда
Сендан кутмовдими шаҳринг нажотни?
Аммо сен фолингни ишга солмадинг,
Қулоққа илмадинг тангрилар амрин,
Шунда мен келдиму, мен, Эдип-нодон,
Жумбогини ечиб аждаҳо қушнинг,
Абадий йўқ қилдим машъум офатни!
Мана энди бўлса, Креонт тахтига
Яқинроқ бўлай деб, қора ниятда
Жонимнинг қасдига тушибсан, айёр!**

Пушаймон ейсанлар, сен ҳам, Креонт ҳам!
Сирни тилинг билан юлиб олардиму,
Мункайиб қолибсан, ўлиминг яқин.

Х о р

Назаримда, чол ҳам, сен ҳам, шоҳ Эдип,
Бир оз қизишинглар бекордан бекор.
Бизга эса ҳозир худо амрини
Жобажо этишни ўйламоқ даркор.

Т и р е с и й

Сенга, Шоҳ бўлсанг-да, сўз қайтараман.
Ўзимга яраша ҳукмронман ҳам.
Сенгамас, Локсийга хизмат қиласман.
Муҳтоҷмасман Креонт марҳаматига.
Менинг кўрлигимни пеш қилдинг, аммо
Қаерда, ким билан турганлигинги,
Машъум тақдирингни, бадбаҳтилинги^{ни}
Очиқ кўзинг билан кўрмаётибсан!
Наслу насабингни биласанми сен?
Биласанми, Эдип, қондошларингга
У дунё-бу дунё сен дўст эмассан?
Отанг, онанг учун сен икки карра,
Тавқи лаънат олиб, сургун бўласан.
Ҳозир кўриб турган кўзинг кўр бўлар.
Билмам, Киферонда топилармикан
Сенинг фарёдигдан янграмаган жой!
Эҳ-ҳе, кўп нарсани билмайсан ҳали,
Қузундай ёпирилган бошиннга бало:
Хотинингга ўғил, онангга зрасан,
Отасан, акасан — фарзандларингга!..
Мана эпди мени, ҳам Креонтни
Ер билан яксон қилиб, аммо, барибир,
Сендан аяич одам йўқ бу дунёда!

Э д и п

Лаънат, лаънат сенга! Йўқол кўзимдан!
Шарпанг эшитмайин хонадонимда!

Т и р е с и й

Ўзинг йўқламасанг, келармидим мен...

Э д и п

Ақлдан озибсан — бехабар эдим.

Т и р е с и й

**Ақлдан озибман? Отанг ва онанг
Мени донишманд деб мақтар эдилар.**

Э д и п

Ким дединг? Тўхта-чи... мени ким туққан?

Т и р е с и й

Сен бугун тугилиб, шу он ўласан.

Э д и п

Яна мужмал гаплар, яна жумбоқлар...

Т и р е с и й

Моҳир әдинг чоги жумбоқ ечмоққа?

Э д и п

Шону шавкатимни оёқ ости қил.

Т и р е с и й

Лекин шон-шавкатинг сени маҳв этар.

Э д и п

Мен бу пойитахтнинг ҳалоскориман.

Т и р е с и й

Мен кетдим... ҳай бола, етакла, қани.

Э д и п

**Тоқатим тугади, олиб кета қол...
Кўнглим енгил тортар, сени кўрмасам.**

К е т а д и л а р.

БИРИНЧИ СТАСИМ

Х о р

1-с т р о ф а

**Аполлон каромат қилган қотил ким?
Ким бу жинолтда қўлин қон этган?**

Э́дтимол у қочгандир
Довуллардан тез.
Уига олов сочгандир
Чақмоқ шуълаларида
Зевснинг хато билмас
Қасоскор мерганлари.

1- а н т и с т р о ф а

Парнас қоясидан қутлуг сўз келди:
Евузни изламоқ — бизга қарзу фарз.
Үрмониларда, горларда
Ү йиртқичдай кезади.
Бошдан қора тақдирин
Улоқтириб отмоқчи.
Аммо тақдир қузгундай
Бош узра айланади.

2- с т р о ф а

Чиндан ҳам, донишманд авлиё буғун
Бизнинг кўнглимизга гулғула солди.
Бунга ақлим етмайди,
Инкор ҳам этолмайман.
Үтмиш — тундай қоронғу,
Келажак ҳам — зимистон.
Ҳаргиз кўрмаган эдик —
Лабдакнинг авлодлари
Полибнинг ўғли билан
Бир-бирига бўлса ёв.
Эдипни айбламоққа
На далил бор, на гувоҳ.
Шоҳимиз Лай хунини
Кимдан талаб қиласмиш?!

2- а н т и с т р о ф а

Аммо Зевс билан Аполлон зийрак,
Инсон кирдикори уларга аёи.
Далил, гувоҳ тошгунча
Эдипни айбламайлик:
Ахир аждаҳо қуш ҳам
Халқ олдида тан берган;
Элизизга Эдипнинг
Манзур бўлди хизмати.

**Ишониб бўладими
Жиноят қилганига!**

Креонт киради.

ИККИНЧИ ЭПИСОДИЙ

Креонт

Ҳамشاҳарлар! Билишимча, Эдип
Мудҳиш жиноятда айблабди мени.
Дарров етиб келдим сабрим чидамай.
Агар Эдип мени катта кулфатда
Ўзига душман деб билса, азиزلар,
Мен бундай дод, шармсорлик билан
Бошимни кўтариб юра олмайман.
Агар сиз ҳам мени, ҳамшаҳар дўстлар,
Евуз деб билсангиз, аҳволим мушкул!..

Хор

Шоҳ, қария билан жаҳл устида
Анча-мунча гаплар айтиб олиши.

Креонт

Шоҳ дебдики, гўё, гапимга кириб
Авлиё гирт ёлғон сўзлаган эмиш.

Хор

Деди, ниятини аммо билмадик.

Креонт

Виждонсиз! У ҳушёр ақли билан
Бўҳтон ёғдирибди менинг шаънимга!

Хор

Қайдам. Шоҳлар иши бизга қоронгу...
Дарвоқе, ўзи чиқди ана қасридан.

Эдип

Ниҳотки? Сенмисан? Шоҳнинг қотили,
Тожу тахтимизга қасд қилган ўгри,
Менинг оstonамини босиб кирдингми?
Ҳали сен шу қадар ҳаёсизмисан?

**Худо ҳаққи, айт-чи, мени сен, нима —
Аҳмоқ деб билдингми, ёки қўрқоқ деб?
Еинки, илондай сирғалиб кириб,
Қолдиromoқчимидинг мени гафлатда?
Тентаклик эмасми, ўзинг айт ахир
Тахтга хуруж қилмоқ пулсиз, аскарсан?**

Креонт

**Буни мендан бўлак одамга айтсанг
Шармисор қиласарди ўзингни, Эдип.**

Эдип

**Ажаб сўзамолсан. Аммо бу сафар
Евуз тилингни тий. Душмансан менга.**

Креонт

Йўқ, қулоқ сол ахир — мен айтиб берай...

Эдип

Ўзингни оқлашга уринмасанг, бас.

Креонт

**Маънисиз ғурурни фойдали билсанг,
Ақлинг жойидамас, Эдип, билиб қўй.**

Эдип

**Қон-қардош жонига қасд қилган ҳеч вақт
Интиқомсиз қолмас, сен ҳам билиб қўй.**

Креонт

**Бу фикринг маъқулдир, тўғри гап. Аммо —.
Нима зарар кўрдинг мендан, айтгани-чи?**

Эдип

**У шум авлиёни чақириргин деб
Кенгаш берганимидинг менга ё йўқин?**

Креонт

Ҳануз барқарорман ўша фикримда.

Эдип

Айт-чи, қачон эди шоҳингиаз Лайнинг...

Креонт

Нима «Лайнинг...»? Очиқроқ гапир.

Эдип

Евузлар қўлида ҳалок бўлгани?..

Креонт

Узоқ йиллар ўтди, кўп узоқ йиллар.

Эдип

У маҳал бормиди бу авлийнгиз?

Креонт

Ҳа, ҳа. Ҳозиргидай, доно, ҳурматли.

Эдип

Тилга олармиди мени ўшанда?

Креонт

Йўқ, ҳеч қулогимга чалинган эмас.

Эдип

Уша пайт қотилни қидирганимисиз?

Креонт

Ҳа, албатта. Бироқ, тополмаганимиз.

Эдип

Бўлмаса, чол нега сукут сақлаган?

Креонт

Буни мен билмайман. Айта олмайман.

Эдип

Аммо билганингни очиқ-ойдин айт.

Креонт

Нимани? Сўрайбер, билсам — айтаман.

Эдип

Тил биркитирмаса чол сенинг билан,
Журъат этолмасди мени айблашга.

Креонт

Чол нима деганин ўзинг биласан.
Менинг саволимга энди жавоб бер.

Эдип

Мени қотилликда айблай олмайсан.

Креонт

Синглиминг эрисан, Эдип, шундайми?

Эдип

Ҳа, буни мен инкор этмайман.

Креонт

Демакки, Фивада у ҳам малика?

Эдип

Неки орзу қиласа, келтирдим бажо.

Креонт

Мен-чи? Менинг ҳам ҳеч улушим борми?

Эдип

Ана, ошкор бўлди сохта дўстлигиниг.

Креонт

Йўқ, сен сўаларимнинг магзини чақ.
Шундоқ ҳам ҳукмрон, ташвишсиз бўлсаму
Инга мен тож-тактга интилармишман?
Тожу тахт бир умр даҳпаш демак-ку?
Шоҳликни орау қилган эмасман,
Менга ундан жиндак улуш бўлса бас.
Доим шундай ўйлар ақли расолар.
Ҳадиксиз оламан божу армугон,
Үндай қилолмасдим агар шоҳ бўлсам,
Нуфуали, беташвииш бу фарогатдан
Сенинг тожу тахтинг афзал эканми?
Ё ақлим шу қадар қашшоқмидики,
Молу манфаатта кетсам муккамдан?
Толемм, мартабам, иззатим баланд,
Саройга келганлар мени йўқлайди,
Кўпларининг изми менинг қўлумда;

Воз кечармишманни шу имтиёздан?
Йўқ, ёзмишга шукур, эсим жойида.
Сен айтган номаъқул ишлар менга ёт,
Маслаҳат кўрмайман ўзгаларга ҳам.
Тагин ишонч ҳосил қиласиг десанг
Дельфадан ўзинг ҳам суриншириб кўр:
Тўғри айтибманни Худолар гапин?
Агар фолчи билан фитнам бор бўлса,
Ишонч ҳосил қиласанг — ўлимга буюр:
Ўлимга ҳукм этай ўзимни ўзим.
Қуруқ шубҳа билан айблаб бўлмайди,
Оқни қора демак бизга ярашмас.
Садоқатли дўстдан воз кечиш эса
Қанотсиз талпиниш билан баробар.
Пок қалбни билмоққа вақт керак экан,
Аблаҳни билмоққа бир кун кифоя.

Х о р

Маъқуллар бу гапни ақли бор одам,
Сўнги бахайр ўлмас шошқалоқликнинг.

Э д и п

Аммо душман шошиб хуруж қиласкан,
Жадал тадбирларга мен ҳам мажбурман.
Агар имилласам, гафлатда босиб
Кўкка соурмасми хонумонимни?

К ре он т

Ниятнинг бадарга қилишми мени”

Э д и п

Бадаргамас, ўлим. Токи билиб ўл:
Оқибати хунук хасадчиликнинг.

К ре он т

Демак, сени ишонтиролмадим...

Э д и п

Йўқ, ишонч сенга хайф.

К ре он т

Ақлинг sog эмас.

Э д и п

Мен ўз ишларимда — оқил ва соглом.

К р е о н т

Менинг ишларим-чи?

Э д и п

Сен — мунофиксан!

К р е о н т

Ақлининг жойидамас...

Э д и п

Мен — ҳукмронман!

К р е о н т

Шум ҳокимлик — офат.

Э д и п

О, Фива, Фива!

К р е о н т

Бунда сенгинамас, мен ҳам ҳокимман.

Х о р

Бас қилинг, жаноблар, заб мавридида

Аркдан Иоказта чиқиб келмоқда.

Баҳсни яхшиликча ечар, эҳтимол.

И о к а с т а

Баҳсга нима бор, бадбаҳт тентаклар!

Шаҳар талвасада азоб тортсаю

Бунда беҳуда баҳс — уят эмасми?

Эдип, ётоққа кир... сен ҳам, Креонт,—

Дардга айланмасин кичик жароҳат.

К р е о н т

Синглим, шоҳ, Эдипнинг амри-ла менга

Икки мудҳиш жазо таҳдид қилмоқда:

Шармандали қатл ва ё бадарға.

Э д и п

Шундай, хотин. Қўлга тушиб қолди:

Мени макр билан йўқ қилмоқчийкан.

К р е о н т

**Мени айблашингда адолат бўлса
Бахти қаро бўлай абадул-абад!**

И о к а с т а

**Эзгу онт ҳурмати, менинг ҳурматим,
Рӯпарагда турган барча тирик жон,
Инсонлар ҳурмати, ишонгил унга,
Илон унга, Эдип.**

К о м м о с

1- с т р о ф а

Елбораман, тингла, ўйлаб кўр, ён бер.

Э д и п

Аммо мен нимага ён берай, гапир.

Х о р

**Бир умр виждони пок одам эди,
Ҳозир эса бунда қасамёд этди.
Авф эт уни, шоҳим!**

Э д и п

**Илтимосингният
Маъносини ўзинг биласанми?**

Х о р

Ҳа.

**Қайнаганг дили пок. Ўз дўстларингни
Беҳуда мишиш-ла айблаш яхшимас.**

Э д и п

**Сенинг ниятингни пайқадим: сен ҳам
Мени бу шаҳардан даф этмоқчисан.**

Х о р

2- с т р о ф а

**Е худолар, ёлбораман:
Қора бўлса ниятим,**

Дуч келай қаҳрингизга,
Юз ўғирсин дўстларим,
Ўлиб кетай хору зор.
Кулфатзада юртимнинг
Қайғусида ёнаман.
Нега яна кўпайтиromoқ
Кўҳна бахтсизликларни?
Нима бўлар билатуриб
Дард устига дард қўшсак?!

Э д и п

Бу ёвузнинг сўзларидан эмас,
Аянчли нолангдан кўнглим юмшади.
Майли — кетаверсин, нима бўлса бўлар,
Ўлдириснлар мени, қувсинлар, майли...

К р е о н т

Кўнглингда кек билан ён бермоқдасан.
Жаҳлдан тушганда пушаймон ема.
Бундай хулқу феълинг ўзингга азоб.

Э д и п

Кетасаними, йўқми?!

К р е о н т

Сен мендан кечдинг,
Аммо булар учун — ўша-ўшаман.

Ч и қ и б қ е т а д и.

Х о р

1- а ч т и с т р о ф а

Шоҳни ўз кўшкига бошла, малика.

И о к а с т а

Йўқ, мен ҳаммасини аниқлашим шарт.

Х о р

Сўздан шубҳа тугилди...
Эҳтимол беҳудадир,—
Туҳмат яраси ёмон.

И о к а с т а

Қаттиқ айтишдими?

Х о р

Ҳа.

И о к а с т а

Нима сабаб?

Х о р

Менга қолса, ҳозир, шу ҳолимизда
Ү узилган баҳсга қайтмаган тузук.

Э д и п

Кўнгилчалик сени заифлаштириди —
Қаҳрим оташини сўндиromoқчисан.

Х о р

2- а н т и с т р о ф а

О, шаҳаншоҳ, неча бор
Қасамёд этдим сенга!
Агар сени тарқ этсам
Чиндан бўлардим аҳмоқ.
Бизга келган йилингоқ
Кулфатдан халос этдинг
Қадрдан ўлкамизни.
Ҳозир ҳам бўлсанг эди
Бизга одил раҳнамо!

И о к а с т а

Мени ҳабардор эт, ҳудо ҳаққи, шоҳ,
Қалбингда қаҳр ўтип ёқсан нимадир?

Э д и п

Марҳамат, маликам, сендан сирим йўқ.
Гап — аканг Креонтнинг маккорлигида.

И о к а с т а

Айт менга, низонинг сабабини оч.

Э д и п

Унинг-ча, мен шоҳнинг қотилимешман.

И о к а с т а

Биров ўргатганими, ө ўз фикрими?

Э д и п

Маккор авлиёни юборди аввал,
Сўнг ўзин оқлади юбормадим, деб.

И о к а с т а

Эдин, бу гапларни хаёлингдан қув!
Менга ишонавер: ҳали инсондан
Соҳиби башорат туғилган эмас.
Мен сенга келтирай мухтасар далил:
Лайга худоданми, муҳибларданми,
Ишқалиб, ғойибдан бир овоз келди,
Яъни, Лайнинг шўрлик тақдирни шуки,
У ўз фарзандининг қўлидан ўлгай.
Ваҳоланки, хабарларга кўра,
Лайнин чорраҳада ўша оғир йили
Номаълум ўйлобосар ўлдириб кетди.
Ўғлимизни эса, туғилган куниёқ
Тўпигиг сим билан боғлаб, отаси
Тог-тошга элтиб ташлатган эди.
Шундай қилиб, ўғил — падаркуш эмас,
Ғойибдан бўлган сас бажо келмади.
Бир умр қалтираб яшадио Лай,
Аммо бегонадан келди ўлими.
Башорат дегани бекор, инонма.
Фақат тангригина ҳар ишга қодир:
Бандасин не қўлса ихтиёрида.

Э д и п

Ҳар сўзингдан ортар шубҳам, гумоним,
Ҳар сўзинг кўнглимга солар ғулғула.

И о к а с т а

Нега безовтасан, яна нима гап?

Э д и п

Ҳали нима дединг, яна такрорла-чи:
Лайнин чорраҳада ўлган дедингми?

И о к а с т а

Шундай гап юарди, ҳозир ҳам шу гап.

Э д и п

Қаерда юз берган? Қай чорраҳада?

И окаста

**Фокида деган жой. Давлия, Дельфадан —
Унда қадим йўллар келиб туташган.**

Э д и п

Қанча вақт ўтди ўшандан буён?

И окаста

**Сен бу ерда тахтга чиқарингдан
Бир неча вақт аввал келди шум хабар.**

Э д и п

Ераб! Не кунлар бор менинг бошимда?

И окаста

Сен ўзгариб кетдинг, нима ган, Эдип?

Э д и п

**Сўрама... Лай қандоқ одам эди, айт:
Ранг-рўйи, бўй-басти, ёшмиди, кекса?**

И окаста

**Бўйдор одам эди, сочи кумушранг,
Мана, сенек эди турқи тахминан.**

Э д и п

**О, минг лаънат! Машъум қора кунлар
Битганга ўхшайди шўр пешонамга!**

И окаста

Мен қўрқиб кетяпман! Нима бўлди, айт?

Э д и п

**Шубҳам борки, авлиё кўр эмас...
Менинг саволимга яна жавоб бер...**

И окаста

Сўра, билганимнинг барин айтаман.

Э д и п

**Кўпмиди ёпида шахсий соқчиси,
Каттароқ отряди бормиди шоҳнинг?**

И окаста

Бешовлон эдилар, бири жарчи эди.
Шоҳ эса, фойтунда ёлгиз борарди.

Э д и п

Бас! Эвоҳ! Ҳаммаси, ҳаммаси равшан.
Аммо ким келтириди хабарни сизга?

И окаста

Евузлардан қочиб қутулган навкар.

Э д и п

У ҳозир омонми, шаҳримиздами?

И окаста

Афсус, йўқ. Лайдан сўнг тожу тахтимиз
Сенга текканини эшишиб, навкар
Тиз чўкиб, тирмашди этакларимга,
«Яйловли тоғларга юборинг мени,
Пойтахтдан узоқда яшайман», деди.
Унга жавоб бердим. У қул бўлса ҳам
Шундай марҳаматга муносиб эди.

Э д и п

Тезда чақиртириб келиш мумкини?

И окаста

Албатта, албатта. Лекин нимага?

Э д и п

Қўрқаман, ортиқча гапиривордим...
Қисқаси, мен уни кўришим керак.

И окаста

Майли, келсин. Аммо изтиробнингнинг
Боисин билмоққа мен ҳам ҳақлимсан.

Э д и п

Йўқ демайман, ахир сенга айтмасам,
Кимга ҳам айтаман дардимни, хотин?
Ҳикоямни эшиш: отам коринфлик
Полиб деган одам; онам — Меропа,

Дорлар уругидан бўлади асли.
Коринфда таниқли йигит эдим мен,
Аммо бир гаройиб воқеа бўлди:
Ширакайф бир меҳмон базм пайтида
Мени «ташландиқ» деб қилди ҳақорат.
Номусдан ер билан яксон бўлдиму
Ғазабимни босдим тонггача базур
Ва айтдим бу гапни ота-онамга.
Улар кўп ғазабнок сўзлар айтишди
Оғзи шалоқ меҳмон шаънига.
Андак таскин топдим. Лекин шунда ҳам
Кўнглимда шубҳанинг шарпаси қолди.
Эл аро тарқалди базмдаги гап.
Шувда мен ҳеч кимга бир сўз айтмасдан
Дельфага, Аполлон қошига кетдим.
Раво кўрмадиу тангри жавобин,
Аммо менинг шўрлик ёлғиз бошимга
Минг бало, кулфатлар қилди башорат:
Тақдирда онамга уйланармишман,
У туққан болалар жирканч бўлармиш,
Отамнипг қотили бўлар эмишман.
Бундай башоратни эшитгандан сўнг,
Мен узлатга кетдим. Коринфдан узоқ,
Волидамдан узоқ, отамдан узоқ,
Мудҳиш тақдиримдан қочдим узлатта.
Қочдим — бир чорраҳа устидан чиқдим,
Шоҳни ўлдиришган сен айтган жойдан.
Хотин, сенга очай ҳақиқатни мен:
Ўша чорраҳага яқинлашгандим,
Худди сен айтгандай отли файтонда
Бир жарчи ва бир чол менга дуч келди.
Жиловдор билан чол зўрлик ишлатиб
Мени йўлдан четга ҳайдай бошлишди.
Жиловдор мени бир урганда, мен ҳам
Даингал бир туширдим жаҳл аралаш.
Кейин, ўтаётган фойтун ёнидан
Чолнинг ўзи турди наиза ўқталиб.
Бир дам ўтганий йўқ — гурзим зарбидан
Оёғим тагига шиллқ этиб тушди.
Кейин... қисқа жангда... барин ўлдиридим.
Ераб! Наҳот бунинг Лайга дахли бор?
Унда мени чақмоқ ёндирилас,
Нега қора тупроқ қаърига ютмас?

Нега шу кунгача ёргуғ дүнёни,
Инсон чеҳрасини кўриб турибман?
Нега? Нега? Нега тирикман ахир,
Лаънатта кўмдим-ку ўзимни ўзим,
Махлук эмасманни, марҳум тӯшагин
Қонли қўлим билан булгасам?!
Қочиш керак, қочиш... Аммо қаёққа?
Қайта олмайман мен ўз ватанимга:
Унда мен падаркуш бўлиш хавфим бор,
Тугишиган отамии унда ўлдириб,
Опамии никоҳга олишим лозим;
Худо тайинлаган даҳшатли тақдир,
Шўрлик пешонамдан ўзим қўрқаман,
Дўзах азобидан қўрқамая...
Йўқ, раҳмсиз, ҳиссиз таңгрилар!
То абад манглайдаги чиркин дод билан,
Дўзах азобида умр кўргунча
На тупроқда изим, на элда исим
На ёргуғ дунёда жисим қолмасин!

Х о р

О Эдип, бизлар ҳам таҳликадамиз.
Аммо иоумид бўлма гувоҳ келгунча.

Э д и п

Ҳали кўнглимда бор қилдай бир илинж —
Мен ўша чўпонни кутишим керак.

И о к а с т а

Зора, чўпон кирса жонингга ора.

Э д и п

Сен айтгандек бўлса унинг гаплари,
Мен бу кулфатлардан тамом холиман.

И о к а с т а

Мен бирон муҳим гап айтдимми сенга?

Э д и п

У ҳам айтганиши-ку ўша маҳалда
Шоҳни қароқчилар ўлдиришиб деб?
Қароқчилар кўпчилик эди, деб
Чўпон тасдиқласа, мен бундан холис,

Бордию у, қотил ёлгиз эди, деса,
Бу қонли жиноят менинг зиммамда...

И окаста

Йўқ, йўқ! У ҳам шу гапни айтган,
Энди ўз сўзларин икор этолмас.
Бутун шаҳар гувоҳ унинг гапига.
Агар ўз сўзидан тонса ҳам чўпон,
Лайни менинг ўғлим ўлдирди, деган —
Аполлон башоратин этолмас исбот.
Чиндан қотил эмас менинг фарзандим,
Чунки у шўрликни туғилган куниёқ
Отаси тогларга элтиб ташлатган.
Бинобарин, худолар башоратига
Сира ишонмайман ўла-ўлгуича.

Э д и п

Гапинг ҳақ ва лекин чопар юбор тез,
Чўпонни жадалроқ чақириб келсин!

И окаста

Ҳозир буюраман. Уйга кирайлик,
Кўнглини не истаса бажо келтирай...

Кириб кетадила р.

ИККИНЧИ СТАСИМ

Х о р

1- с т р о ф а

Худоларнинг эзгу каломин,
Эзгу амал, доно амрини
Муқаддас покликда асрагай,
Омонликда асрагай Тақдир.

Арши аъло — Олимп тоглари,
Унда яшар илоҳий авлод.
Унда мангур гафлат бегона,
Илоҳий руҳ ҳушёру бедор.
Илоҳий руҳ мангур навқирон,
Мангур ҳаёт, мангур ягона.

1- а н т и с т р о ф а

Такаббурлик — зулм манбаи.

Эзгуликка ётдирик тақаббур.

Толеига етса ҳам, бир кун

Мусибатга бўлур мубтало.

Шаҳрим ҳаққи, ҳар бандасига

Эзгу ният ёр бўлсин доим.

Эзгу ният билан яшасак,

Бошимизда паноҳ тангрилар!

2- с т р о ф а

Инсон агар ҳаддидан ошса

Лафзида ё амалларида,

Ё қўрқмаса илоҳ ҳукмидан,

Евуз тақдир насиб бўлғуси!

Уз нағини изласа фақат,

Жирканмаса агар ҳаромдан,

Кавлаштирса эзгу сирларни,

У худо қаҳридан қутулмас!

2- а н т и с т р о ф а

Тангриларнинг башорати

Агар бугун бажо келмаса,

Мен бормайман ибодатга!

Художўйлар қиблагоҳи —

Олимп менга бегона!

Агар бўлсанг қудрат соҳиби,

Кули олам бўлса измингда,

Шафиқатсиз қаҳрингни ёғдир, о Зевс!

Эвоҳқим, Лай тўғрисидаги

Башоратинг бўлди беҳуда.

Қани Аполлоннинг қутлуг иззати?

Қани имон, қани ибодат?

УЧИНЧИ ЭПИСОДИЙ

И о к а с т а

Худолар, Фиванинг ҳукмдорлари!

Мен бугун мушки анбар, гултоҷ кўтариб,

Олимпга — худолар даргоҳи сари

Сафарга чиқмоқни ихтиёр этдим.

Эдининг кўнглига ғулгула тушди.

Ақлидан оздирар уни изтироб.

Ҳар эртанги кунда кўрар бир даҳшат.

Фақат шум хабарга муштоқ юраги.

Тасалли бермоққа ожизман, ожиз...
Бориб, изларингни ўпсам, Аполлон,
Тавбаю иоламни тинглагаймисан,
Халос этгаймисан бу қийноқлардан?

Э л ч и киради.

Э л ч и

Мұҳтарам Фиванинг фуқаролари,
Ижозат бергайсиз, саломдан кейин
Сўрсам шоҳ Эдипнинг хонадонини.

Х о р

Шоҳнинг арки шудир. Ўзи кўшкида.
Бу киши малика, жуфти ҳалоли.

Э л ч и

Аё, шаҳаншоҳнинг суюк бекаси,
Файз аримагай хонадонингдан!

И о к а с т а

Бизни эъзоз этган таъзимкор меҳмон,
Қабул эт бизнинг ҳам эзгу туйгумиз.
Арз билан келдингми, хушхабар билан?

Э л ч и

Муждам шоҳ саройин хушнуд қилгуси.

И о к а с т а

Кимнинг элчисисан? Қандай гапинг бор?

Э л ч и

Мен Коринфдан келдим. Гапим, эҳтимол,
Сенга хуррамлик ҳам, дард ҳам етказар.

И о к а с т а

Бу қандай гап? Ҳам дард, ҳам шодлик?

Э л ч и

Коринф фуқароси ўғли Эдипни
Тахтга кўтармоқни ихтиёр этди.

И о к а с т а

Полиб-чи? Коринфда ҳукмронмасми?

Э л ч и

Полиб вафот этди, худо раҳматлик.

И о к а с т а

Ажабо, нималар деяпсан ўзинг!

Э л ч и

Ажал ютсин, бўлса сўзимда ғалат.

И о к а с т а

Ҳай, ким бор, тезроқ шоҳни чақиринг.

Мана, худоларнинг башоратлари!..

Эдин падаркушлиқ қисматидан қўрқиб
Полибдан узоқда қочиб юрганди.

Унда Полиб эса қисматдан дариг,

Ўз ажали билан ўлиб кетибди.

Э д и п қ и р а д и.

Э д и п

Иокаста, суюкли маликам,
Не сабаб, чорлабсан мени кўшкимдан?

И о к а с т а

Элчига қулоқ сол, энди нима бўлди
Қисмату башорат деган сафсата?

Э д и п

Ким экан у? Менда гапи борми?

И о к а с т а

У Коринфдан хабар келтирибди,
Отанг Полиб вафот этганиш.

Э д и п

Нима, нима? Қани, ўзинг гапир.

Э л ч и

Илк саволинг агар шу бўлса,
Яна айта қолай: у вафот этди.

Э д и п

Бирор ўлдирдими? Дардан ўлдими?

Э л ч и

Сал дарддан қилт этгай қария жони.

Э д и п

Демак, касал бўлиб ўлиб кетдими?

Э л ч и

Касаллик, қариллик...

Э д и п

О, эсиз, эсиз!

Менга падаркушлик қора қисматин

Шум башорат қилган коҳинлар қани?

Бекор биз уларни эъзозлаб, хотин,

Шаънига ибодат қилиб юрибмиз.

Отам ўлиб кетган, отам қабрда,

Мен эса қиличга қўл урганим йўқ.

Эҳтимол, у ёлғиз ўғлини қўмсаб,

Соғниб-саргайиб ўлиб кетгандир.

Хуллас, бекор гапидир қисмат, башорат,

Полиб олиб кетди барин узлатга!

И о к а с т а

Сенга айтмовдимми такрору такрор.

Э д и п

Ваҳима ҳалқумдан тутганди, хотин.

И о к а с т а

Энди ваҳимани яқни йўлатма.

Э д и п

Онам никоҳидан ҳамон қўрқаман.

И о к а с т а

Инсон тасодифлар палжасидадир,

Қисмат қонунилари бизга бегона.

Бегам яшаш керак, баҳоли қудрат...

Онанг никоҳидан ҳавотир олма:

Бўлади, одамлар баъзан тушида

Кўярмиш опаси билан ётганин;

Туш тумандай тарқаб, унугилади-да,
Яшайверадилар бегам, бепарво.

Э д и п

Гапинг ҳақдир. Аммо... онам барҳаёт.
Шунинг учун, гапинг ҳақ бўлса ҳам,
Юрагимдан чиқмас қўрқув, ваҳима.

И о к а с т а

Ҳарна, ота гўри — сенга тасалли.

Э д и п

Ҳа, Лекин буниси... тириги...— даҳшат.

Э л ч и

Ҳавотириинг кимдан, мен тушунмадим.

Э д и п

Полибиинг беваси, Меропа тирик.

Э л ч и

Нечун у бу қадар қўрқув соларкан?

Э д и п

Худонинг даҳшатли башорати бор...

Э л ч и

Билсак бўлармикан, ё сирли у гап?

Э д и п

Бўлади. Бир замон тангри Аполлон
Менга мудҳиш қисмат башорат этган:
Ўз отасин ўзи ўлдиргай деб,
Никоҳга олгай, деб, туққан онасин...
Шу сабаб ватаним — Коринфдан узоқ
Бу ерларда яшаб юрибман.
Бунда мен баҳтлимани, лекин, ҳар ҳолда
Ота-она юзи фарзандга иссиқ...

Э л ч и

Шу ваҳима билан қувгинидаман, де?

Э д и п

Яна қўрқар эдим шадаркушликдан.

Э л ч и

Бўлмаса, мен сени халос айлай, шоҳ.
Хуш хабар элчиси эканман чиндан.

Э д и п

Шоҳона мурувват сенга садага.

Э л ч и

Мен сени Коринфга чорлаб келганман.
Мурувватингдан ҳам умид йўқ эмас.

Э д и п

Зинҳор қайтолмайман ота юртимга.

Э л ч и

Кўп гапдан бехабар экансан, агар...

Э д и п

Нима «агар?» Гапир, худо ҳаққи, чол!

Э л ч и

...Агар қувгинларга шу сабаб бўлса.

Э д и п

Феб башорат қилган қисматдан қўрқиб...

Э л ч и

Отамдан, онамдан қўрқаман дегин?

Э д и п

Худди шу, қария, бутуни даҳшат шу.

Э л ч и

Қўрқишинг асоссиз, тўғрисин айтсан.

Э д и п

Нега? Ахир — улар менинг тугишган...

Э л ч и

Йўқ, йўқ, улар сенга тамом бегона.

Э д и п

Сен нима деяпсан, Полиб — ўз отам.

Э л ч и

Мен сенинг ўз отанг бўлган сингари.

Э д и п

Сен ҳеч ким эмассан, у эса — отам!

Э л ч и

Мен ҳаммас, у ҳаммас падаринг, ишон.

Э д и п

Нега ўғлим дерди бўлмаса мудом?

Э л ч и

Менинг қўлларимдан олганди сени.

Э д и п

Ет қўллардан олиб, бу қадар севмоқ?

Э л ч и

Тирноққа зор эди бечора Полиб.

Э д и п

Сен мени қаёқдан топиб келгандинг?

Э л ч и

Киферон горининг чангалзоридан.

Э д и п

Нечук бориб қолдинг у тогу тошга?

Э л ч и

Чўпонлик қиласардим тогли яйловда.

Э д и п

Демак, чўпон эдинг, ёлланган чўпон?

Э л ч и

Халоскоринг эдим мен сенинг, ўғлим.

Э д и п

Бирон дардга дучор бўлганмидим мен?

Э л ч и

Буни тўлигингдан билса бўларди.

Э д и п

Эвоҳ! Эски дардни эслаш на даркор?

Э л ч и

Симга ўралганди оёқ, ечганман.

Э д и п

Ёраб! Ким экан у бағри тош одам?

Э л ч и

Менга чақалоқни берган билади.

Э д и п

Ҳали ўзим топдим демаганимидинг?

Э л ч и

Мен олдим бошқа бир чўпон қўлидан.

Э д и п

Ким эди у? Айта оласаними?

Э л ч и

Лайнинг навқариман деганди, ҷоғи.

Э д и п

Илгариги Фива шоҳи Лайнингми?

Э л ч и

Ҳа, шоҳга чўпонлик қилас экан у.

Э д и п

У тирикми ҳозир? Топса бўлармикин...

Э л ч и

Уни шу ерликлар билса эҳтимол.

Э д и п

**Айтинг, қариялар, ҳеч бирингизга
Элчи тилга олган чўпон маълумми?**

**Уни бунда ё йайловда учратганмисиз?
Гапир, пайти келди, ечилиси жумбоқ.**

Х о р

**Сен кўрмоқчи бўлган тоққа кўчиб кетган
Навкар чўпон ўшамасмикин?
Буни сўраш керак Иокастадан.**

Э д и п

**Хотин, ҳозиргина элчи тилга олган,
Ҳали биз чақиртган чўпон ўшами?**

И о к а с т а

**Бари бир эмасми? Мунча ёнмасанг,
Оббо... қўй мана шу гапларни... унут...**

Э д и п

**Энди калаванинг учин топганда
Нега қўярканман билмай зотимни!**

И о к а с т а

**Худони ўртага қўйиб, ялиниай:
Менга азоб берма, сўрама ортиқ...**

Э д и п

**Қўрқма, мен қулбачча бўлиб чиқсам ҳам,
Сенинг олий бўлур насли-насабинг!**

И о к а с т а

Гапимга қулоқ сол, зинҳор... кавлама.

Э д и п

Барининг тагига етишим керак.

И о к а с т а

Яхшилик истайман... эзгу насиҳат...

Э д и п

Эзгу насиҳатлар жонимга тегди.

И о к а с т а

Билмаганинг афзал зотингни, шўрлик!

Э д и п

**Сен зоти наслинг-ла кибрланавер.
Боринглар, чўпонни бошлаб келинглар.**

И о к а с т а

**Эвоҳки, бадбахтсан! Сўнгги сўзим шу.
Энди мен умрбод сақлайман сукут.**

Чи қиб кетади.

Х о р

**О Эдип, хотининг қаёққа кетди?
Багрин ўртамоқда омонсиз азоб.
Бу сукут бўронлар бошламасайди.**

Э д и п

**Минг балони бошлаб келмайдими!
Наслу насабимни билмоқ истайман,
Шоҳ зоти паст бўлиб чиқмасин дея
Ўзидан хавотир менинг маликам.
Бизга ҳаёт берган Тақдир фарзандиман,
Ўн икки ой менинг биродарларим:
Гоҳо фалакдаман, гоҳ ер билан яксон,
Ҳозирги туришим ер-кўкка аён,
Зоти насабимни билмоқ истайман.**

УЧИНЧИ СТАСИМ

Х о р

С т р о ф а

**Башоратга қобил бўлсам,
Кўзим кўрса узоқни,
Олимп билан онт ичаман:
Эшитарсан, Киферон,
Эртагадан ойли тунда
Сени қуттай бошлаймиз.
Сен Эдипнинг ватанисан,
Ота юрти, бешиги.
Сен азалдан мақбул эдинг
Фиванинг шоҳларига.**

Шарафингга биз бошлаймиз
Шодиёна маросим.

А и т и с т р о ф а

Онанг ким эди, гўдак,
Умри боқийларданми?
Отанг ким эди, гўдак,
Локсийми ёки Гермес?
Чунки бири азалдан
Утлоқларнинг ошиги,
Бири эса ўзи ҳам
Тоғ-төш аро туғилган.
Худолар базмгоҳи —
Геликон чўққисида
Кайфу сафо тангриси
Сенинг отанг эмасми?

ТЎРТИНЧИ ЭПИСОДИЙ

Э д и п

Мен чўпонни танимайман, аммо
Юрагим ҳовлиқиб кетди, қаранглар,
Биз кутган қария ўша эмасми?
Элчи билан тенгқур кўриниши ҳам.
Кузатиб келмоқда менинг қулларим.
Разм сол, аниқроқ айтарсан ўзинг,
Кўп кўргансан ахир кекса чўпонни.

Х о р

Хотиржам бўл, шоҳим, яхши биламан,
• **У** — Лайнинг кўп ҳалол чўпони эди.
Чўпон киради.

Э д и п

Аввал сендан сўрай, коринфлик меҳмон,
Сен айтган шумиди?

Э л ч и

Худди мана шу.

Э д и п

Кўзларимга қараб жавоб бер, чўпон:

Сен Лайга қулмидинг?

Ч ў п о н

Кўул эдим, аммо
Бир фарзанддай эдим хонадонида.

Э д и п

Қандай касб-кордан кун кўтар эдинг?

Ч ў п о н

Аксар пода боқиб тердим ризқимни.

Э д и п

Қайси ўлкаларда кечди ҳаётинг?

Ч ў п о н

Кўпинча Киферон яйловларида.

Э д и п

Бу сенга танишми? Кўрганмисан ҳеч?

Ч ў п о н

Нима қилипти у? Кимни айтяпсан?

Э д и п

Қаршингдаги зотни кўрганмисан ҳеч?

Ч ў п о н

Балки кўргандирман, эслай олмадим.

Э л ч и

Дарров эслолмаса ажаб эмас, шоҳ.
Мен ёдига солай ҳозир бирма-бир.
Сайр этиб Киферон яйловларида
Кезган чоқларимиз ёдингга тушар.
Икки пода эди қарамогинигда,
Илк баҳордан токи совуқ кузгача
Бирга юрмадикми роса уч фасл?
Қишида мен қўйларни қўтонга қувсам,
Сен Лайнинг қасрига ҳайдаб кетардинг.
Эсингдами шулар, тўғрими-йўқми?

Ч ў п о н

Барн тўғри... Эҳ-ҳе, қачонлар эди...

Э л ч и

Энди айт: сен менга бир чақалоқни
Боқиб олгин дея берганинг ҳақми?

Ч ў п о н

Берсам нима бўлти, нега сўраяпсан?

Э л ч и

Нима бўлар эди, ўша чақалоқ
Мана, рўпарангда турибди, ошна.

Ч ў п о н

О тилинг кесилсин, лаънати, жим бўл!

Э д и п

Сен, қария, уни лаънатлама;
Сенинг сўзларингдир лаънатга лойиқ.

Ч ў п о н

Менинг айбим нима, шаҳаншоҳ?

Э д и п

Гўдакдан гап очса, сен чап беряпсан!

Ч ў п о н

Ҳеч нарса билмайди; барн бекор гап.

Э д и п

Қаҳрим оловланмай, яхшиликча айт.

Ч ў п о н

Чолга, худо ҳақи, раҳминг келсин, шоҳ!

Э д и п

Қўлин орқасига боғланг чамбарчас.

Ч ў п о н

Оҳ, шўрлиқ пешонам! Нимани айтай?

Э д и п

Бунга чақалоқни берганимисан, айт?

Ч ў п о н

Берганиман... ўлганим яхшийди бермай!..

Э д и п

Тўғрисин айтмассанг — ўласан, шошма.

Ч ў п о н

Энди бир сўз айтсам, тил тортмай ўлай.

Э д и п

Бу чол, назаримда, қутулиб кетмоқчи.

Ч ў п о н

Гўдакни берганиман, дедим-ку, бўлди-да.

Э д и п

Бола кимникийди? Қайдан олгансан?

Ч ў п о н

Бошқа бир одамдан олгандим...

Э д и п

Бошқа бир одамдан? Ким у? Қаерлик?

Ч ў п о н

Бу ёгин сўрама, худо ҳаққи, шоҳ!

Э д и п

Жонингдан умид уз, қайта сўрасам!

Ч ў п о н

У одам шоҳ Лайнинг хонадонидан.

Э д и п

Қулимиди ё қариндоши?

Ч ў п о н

Е ҳақ! Бу даҳшатни қандай айтаман...

Э д и п

Эвоҳ, сен айтишинг, мен тинглашим шарт.

Ч ў п о н

Лайга фарзанд эди ўша чақалоқ...
Хотинингдан сўра қолган гапларни.

Э д и п

Гўдакни у берганмиди сенга?

Ч ў п о н

Ҳа, шоҳ!

Э д и п

Нега ахир?

Ч ў п о н

Үлдиргин дея...

Э д и п

Она — ўз фарзандин?

Ч ў п о н

Шум башоратдан
Қўрқарди малика.

Э д и п

Қандай башорат? —

Ч ў п о н

Падаркуш бўлади фарзандинг, дея
Келган маликамга гойибдан овоз.

Э д и п

Нега, ундаи бўлса, бирорга бердинт?

Ч ў п о н

Жуда раҳмим келди. Бу ошнам уни
Узоқ ўз юртига олиб кетганди.
Болани асрабди кулфатлар учун...
Агар ўша бўлсанг, бадбахсан, бадбахт!

Э д и п

Тамом, бари аён! О ёруг жаҳон,
Сўнгги бор кўрмоқда кўзларим сени,
Ҳаёт ҳаром, нафас ҳаром, никоҳ ҳаром менга.
Қонга булғанганиман, жирканчман, жирканч!

Югуриб қасрга кириб кетади.

ТЎРТИНЧИ СТАСИМ

Х о р

1- с т р о ф а

Иисон, инсон! О, фоний авлод!
Маъносиз ва бебақо дунё!
Багри бутун борми оламда?
•Толени бор• дея улгурмай
Толендан маҳрум бандаси.
Бахти қаро Эдип, о, Эдип!
Менга сабоқ бўлди қисматинг.
Сенинг хунук қиссангдан ҳисса:
Бу дунёда бахтли инсон йўқ!

1- а и т и с т р о ф а

Зедни ўткир эди, ё тангрим,
Юртимизни аждаҳо қушнинг
Панжасидан тортиб олганди,
Ҳаммамизга маъқулу манзур,
Суянган тогимиз бўлиб қолганди.
Эдип, дердик, ҳукмронимиз,
Шаҳримиз аҳлининг кўнглида
Топган эди фахру эҳтиром.

2- с т р о ф а

Бугун эса аянч ва бахтсиз,
Виждан азобининг исканжасида.
Хотинига ўғил, онасига эр,
Умрлик кулфатнинг муз панжасида.
Неча йилдан бери, о бадбаҳт,
Қандай бардош берди сукунат,

**Қандай бардош берди оқ ёстиқ,
Қандай бардош берди ота арвоҳи?**

2- а и т и с т р о ф а

Энди аёни: дафъатан босди
Ва шафқатсиз фош этди замон.
Неча йиллар бир қисфада
Бир аёл қўйнида ота ва ўғил,
Бу дунёдан сени кўрмай ўтсам,
Билмай ўтган бўлсам кошкайди,
Тирик мурданг узра йиглайман,
Лайнинг бадбахт ўғли, шоҳ Эдин!
Худо шоҳид, бир замон бизнинг
Кўзимизга нур багишладинг.
Энди эса, бизни бир умр
Зимиstonга этдинг мубтало.

Х и з м а т к о р киради.

Э к с о д

Х и з м а т к о р

Азиз юртимизнинг фуқаролари!
Мунча мудҳиши экан кўргилигингиш!
Ҳали шоҳ қасрига содик экансиз,
Сизнинг зиммангизда азоб, изтироб!
Шундай кўп эканки эски ва янги
Жирканч кирдикорлар бу хонадонда,
Истр билан Фасис юволмас ҳатто!.
Бундай балоларга инсон чидолмас!

Х о р

Ниҳоясиз эди эски кулфатлар...
Яна нима бўлди саройда, гапир!

Х и з м а т к о р

Эвоҳ, айтиш осон, азиз маликамиз
Гўзал Иокаста қазо қилдилар.

Х о р

Машъум, бадбахт аёл! Нима сабабдан?

Хизматкор

Ўзи ўз жонига қасд қилди, шўрлик.
Йўқ, сиз менингчалик ситам чекмайсиз,
Кўрдим, кўз ўнгимда шундай турибди.
Сиз кўрсангиз эди ўрганганларин:
Етогига кирди, кўзлари бежо,
Никоҳ тўшагига қушдай ташланиб
Бирдан соchlарини юла бошлади.
Кейин эшикларини тамбалаб олиб,
Марҳум Лайни чорлаб бақира кетди.
Эрини ўлдирган тўнгич ўглини,
Ўз ўғли қўйнига кирган онани,
Унинг болаларин қарғай бошлади.
Эридан эр туқдан, ўглидан — бола,
Ҳаром чойшабларин йиртиб ташлади.
Кейин тинчиб қолди, қандай — билмадим.
Сўнгра Эдип кирди ҳаллослаб, ёниб.
Шундай мудҳаш эди унинг важоҳати,
Ўзимни йўқотдим уни кўрганда.
Тиг сўраб кимнидир суриштириди у,
Қани хотиним деб айта олмасди,
Айта олмас эди қани онам деб.
Ақлинни олганди илоҳий бир куч,
Илоҳий бир кучдан титрар вужуди.
Дафъатан, даҳшатли бир фарёд билан
У ёпиқ эшикка ўзини урди,
Ошиқ-мошиғидан сугуриб ташлаб
Холсиз кириб борди ётоқхонага.
Кўрсак: маликанинг ошиқ мурдаси
Силкиниб турипти шифтда осиглиқ.
Бўридай ўкириб йиглади Эдип.
Титроқ қўллари-ла кесди арқонни.
Кейин... оқ, мен айтольмайман, йўқ, йўқ...
• Ташқиқли чиройга қараб ўргангани,
Меҳрли чеҳрани таний олмаган —
Кўзларининг кўришга ҳаққи йўқ асло,
Қилган ёвуалигим, чеккан дардимни
Кўриши керакмас менинг кўзларим! —
Деб бутун оламни бошга кўтариб
Маликанинг ҳарир, оқ кўйлагидан
Олтин тўғнағични юлиб олдию,
Кўзларига тиқди ўткир игнани,

Илма-тешик қилди қорачуғларин!
Кўзини кўш марта жароҳатлади.
Томчи-томчи эмас, соқоллариға
Сув каби тизиллаб оқиб тушди қон.
Мана, қону ўлик, дод билан тўлди
Бир вақт бахт гуллаган заррин хоналар.

Х о р

У ҳозир ўзиға келдими, қалай?

Х изматкор

Ҳоамр дод солмоқда: эшикни очинг,
Отасиг ўлдирган аblaҳ қотилни,
Онасига ётган ифлос мурдорни
Кўрсатнинг демоқда, Кадм аҳлига!
Мен, бадбахт, бошимни олиб кетаман,
Токи худоларнинг қаҳри-газаби
Юртимга ёғмасин!— дейди бечора.
У дармонисиз, заиф, бошловчиси йўқ...
Фил ҳам кўтаролмас унинг дардини.
Ҳозир кўрасизлар... ана, шарпаси...
Иблис ҳам кўрмасин бунақасини!

К о м м о с

Х о р

Иисон азобини кўриш даҳшатли!
Мен бундай қийлоқни эшиятмаганман!
У ҳушмиз. Бўлмаса чидамас эди.
Қандай девлар адаштирга сени,
Кимлар раво кўрди мудҳиши қисматни?
Юзингта қарашга юрак дов бермас,
Вужудимга титроқ солмоқда юзинг!

Э д и п

Ераб, лаънатзада, бахти қароман!
Шум қисмат, қайларга бошладинг мени?
Кимларга, қайларга етар овозим?
Қандай дўзахларга ташладинг мени?

Х о р

Кўз кўрса ақлдан оздирадиган

Тубсиз жаҳанинамга етиб келдинг сен.

Э д и п

1- с т р о ф а

О, қора булутлар!..
Даҳшат исканжага олди қалбимни,
Қайга элтиб ташлар мени гирдибод?!
О, қора қисматим!
Заҳарли найзасин санчди мусибат!
Илондай чирмашар хотираларим!

Х о р

Ҳа, сенинг азобу изтиробингни
Кўргулик қилмасин инсон зотига...

Э д и п

1- а н т и с т р о ф а

Эвоҳ! Биродарим!
Елғиз садоқатли суюнчиғим сен,
Елғиз сен ғамхўрсан кўёсиз шўрликка.
Зулмат сени мендан яширолмапти,
Эвоҳ! Товушингдан таниб турибман.

Х о р

О раҳмсиз, золим! Қандай журъат билан
Абадий сўндирединг ўз кўзларингни?

Э д и п

2- с т р о ф а

Аполлоннинг амри бу,
Тангри ҳукми, азизлар!
Малъун кулфатларимни
Егқизди охирига.
Кўзларимни мен ўзим,
Мен ўзим яраладим.
Нима қиласай бу кўзларни
Энди бу оламда ҳеч нарса, ҳеч нарса
Менинг кўзларимни қувонтирумаса?

Х о р

Сен айтгандай бўлди бари, э тангрим!

Э д и п

Нимага қарайман,
 Кимни қутлайман,
 Кимга керак мөхрим,
 Кўзим ёғдуси?
 Олиб кетинг мени,
 Олиб кетинг тез,
 Қутсиз башарамни,
 Манфур қиёфамни
 Одамлар кўзидан тезроқ яширинг!

Х о р

Қайгули руҳ, эй қора қисмат,
 Кошки кўрмасайдим сени то абад!

Э д и п

2- а н т и с т р о ф а

Болаликда оёгимдан
 Арқонни ечиб олиб,
 Азоблардан қутқазган ким,—
 Ушангага тавқи лаънат!
 Уша маҳал ўлиб кетсан
 Тогда беному нишон,
 На қариндош-уруглару
 На мен ўзим билардим
 Бу даҳшатли кунларни!

Х о р

Бу гапинг ҳақ.

Э д и п

Келмас эдим,
 Вўлмас эдим падаркуш.
 Бир ёстиқقا бош қўймасдим
 Туққан волидам билан.
 Шу тўшакда мени туғиб,

Шунда менга ноз қилган
Жиноятчи шу хотиннинг
Ифлос ҳаромисиман!
Бу дунёда бўлса агар бу тенги азоб
Солма инсон бошига!..

Х о р

Мангу зулмат оламини таълабсан,
Тугилмаган маъқул эди...

Э д и п

Сен менга
Таъна қилиб, кенгаш бермай қўя қол.
У дунёда ота-онам юзига
Қандай боқдим — кўзларимни ўймасам?
Бадбаҳт онам мендан туққан болага
Қандай боқдим — кўзларимни ўймасам?
Йўқ, абадий кўр бўлганим яхшироқ...
Бу шаҳарнинг қалъаси, қасрларин,
Худоларнинг мукаддас ҳайкалларин
Кўриб қувонмоққа энди ҳаққим йўқ.
Юртга қонли дод туширган қотилни
Йўқ қилишга ўзим фармон берганиман.
Энди эса фуқаронинг кўзига
Қандай боқдим — кўзларимни ўймасам.
Йўқ, бу ҳам кам! Қўлим бўлса бақувват
Токи, дўстлар, менинг қабиҳ вужудим
Тубсиз қора зинданга айлансан! — деб
Қулогимнинг пардаларин йиртадим.
О Киферон! Ўша маҳал қўйинингда
Қоя босиб эзса мургак жонимни,
Қийналмасдим чекиб шунча уқубат,
Яшаш яхши — кулфатларни англамай.
Полиб, Коринф, яйраб ўсган ерларим!
Сиртдан сизга соғ эдим ва бегуноҳ,
Аммо мараз, разил эдим ичимда!
О тақдир йўлинига тушган чорраҳа,
Едингдами ўша тенгсиз жиноят?
Едингдами қўлларимдан томган қон,
Қалбим қони, отам қони, иссиқ қон?
Нега ёрилмайди бу ер, айтинглар,
Нимага ютмайди мени қаърига!..

Елбораман, тангриларни ўртага қўйиб,
Мени яширинглар инсон кўзидан,
Е тезроқ, ташланглар дарёга, жарга!
Ҳазар қимманг, ким бор, етакланг мени,
Келинг, дардим менинг юқумли эмас.

Х о р

Ана, мавридида келди Креонт,—
У арзингни тинглар, берар маслаҳат:
У — пойтахтда ҳозир ёлғиз ҳукмрон.

Э д и п

О аттани! Мен уни ўшанда ноҳақ,
Ноҳақ таҳқири этдим, эсингиздами?
Қайси юзим билан арзим айтанин,
Қайси юзим билан кутай адолат?

К ре он т

Масхара қилгани келмадим, Эдип,
Ўша таҳқирингга таъналарим йўқ.
Агар инсонлардан номус қилмасак,
Офтоб ҳурматин қилайлик ахир...
Нега кўз-кўз қилиб ҳамон турибсиз
Оlamга бу янглиғ шармандаликини?
Уни тупроқ қабул эта олмас,
Ёнгир ювмас уни, нур қилар ҳазар.
Үйга олиб киринг тезроқ Эдипни,—
Кўрса яқинлари, майли, баҳарнав...

Э д и п

Қаддингда бу қадар кўрку салобат,
Келибсан мен бадбин махлуқ қошига,
Қулоқ сол, мен сенинг ташвишингдаман.

К ре он т

Қандай юмушинг бор?

Э д и п

Мени қувиб сол
Инсонлар кўзидан йироққа тезроқ.

К ре он т

Шундай қилмоқчиман, лекин, аввало

Тангридан ижозат сўраб кўрай-чи.

Э д и п

**Тангриниң ҳукми бор: юртнинг шаънига
Қонли доғ туширган қотилга — ўлим.**

К р е о н т

**Бундан хабарим бор, шундай бўлса ҳам,
Тангрини эслайлик мушкул онларда.**

Э д и п

Худога номимни яна ёд этмоқ...

К р е о н т

Энди сен илоҳга инонсанг керак?..

Э д и п

**Ишончу иллинжим сенда, Креонт:
Уни... уйдагини... ўзинг дафи этгил,
Ўзинг бил... бу сенинг қондошлиқ бурчинг.
Менга шаҳар аҳли мотам тутмасин,
Мен ундан ёмонлик кўрмадим, раҳмат.
Киферонга кетай, ижозат берсанг,
Унда боқиб олган отам, онамнинг
Хилхонаси ҳам бор, қабрим тайинли.
Аммо биламанки, мени ажал олмас,
Мени дард ўлдирмас, шуниси ёмон.
Янги алам, янги дардлар учун
Омон сақлаб келди жонимни ажал.
Нима бўлса бўлар, энди бу ёгини
Тақдирнинг ўзига ҳавола қилдим.
Катта ўглонларим ташвишин тортма.
Улар ўз йўлларин топиб кетишар.
Аммо сабил қолди ёпи-ёш қизларим,
Эрка ўсган қизлар, ожиз шўрликлар,
Шуларга шафқат қил, улар бегуноҳ.
Энди эса, шоҳим, менга ҳиммат қил:
Шуларнинг бошини силай сўнгги бор,
Ўқсиб-тўйиб йиглай бағрийга босиб...
Оҳ, қандай йигларман, қўзда ёшим йўқ...
Қани улар, кўрсат, олижаноб шоҳ,
Оёқ шарпалари келяптими?..**

Қизларим, жонгинам... Сизмисиз, қани?
Креонт, уларни сен чақирдингми?

Креонт

Ха, жиндек, сўнгги бор ёларида бўл;
Сўнгги қувонч сенга, сўнгги тасалли.

Эдип

Толениг ёр бўлсин! Худолар сени
Умр йўлларингда ардоқлагуси!
Қайдасиз, қизларим, яқинроқ келинг...
Илк бор ака бўлиб... қўл чўзай сизга,
Кечака чақнаб турган порлоқ кўзларни
Бугун бу аҳволга солган мен ўзим...
Енингизда турган шу бадбахт ота
Кўрмасдан... билмасдан... сизни оламга
Келтириб қўйди-ку... ўз онасидан...
Сизни кўрмасам ҳам... сиз деб багрим қон...
Мен-ку бир амаллаб ўлиб кетарман,
Сиз қандай яшарсиз инсонлар билан?
Кўпчилик ичида бош кўтаролмай,
Тўю маъракадан қайтарсанз йиғлаб.
Бировлар баҳтига жовдираб ўсиб,
Бўй етганда сизни бирор хоҳламас.
Пешонангиздаги шармисорликни,
Аждод иснодини бутун бир умр
Тавқи лаънат каби олиб юрарсиз...
Ераб, яна қандай балоларинг бор?
Отангиз падаркуш, онангиз эса —
Сизни ўз ўғлидан туққан қабоҳат.
Тубанликда ўтар сизнинг умрингиз,
Меҳр кўзи билан боққувчи бўлмас,
Ёлғизликда бевақт, гулдай сўларсиз...
Креонт, буларга қилгин оталик,
Бошпанасиз қўйма, қилма хору зор,
Бировинг нонига интизор этма,
Раҳм қил нораста бечораларга.
Эшитдингми, Креонт, онт ичасанми?
Олижанобсан-ку, қайдасан, гапир!..
Сизга, етимларим, жигарбандларим,
Эс-ҳушлик бўлсангиз айтардим ўгит...
Тақдир измидасиз... қисматингиз оғир,
Фақат бўлманг дейман менчалик бадбахт.

X o p

**Эдип сизга ибрат бўлсин, фивалик фуқаролар,
Мушкулларни осон этган шон-шавкатли шоҳ эди,
Ҳавас билан боқар эди йўлларига ҳар инсон,
Энди эса бирдан чўқди балолар гирдобига!
Бундан чиқди, инсон деган сўнгги кунин ўйласин,
Бало-қазоларни енгиб, сўнгги нафасигача
Виждан билан, омонликда яшаганлар — комрон!**



ЮНОН ТРАГЕДИЯЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИГА ДОИР

Юон трагедиясига хос махсус терминлар жаҳоннинг ҳамма тилларида ўз ҳолича қолдириб келинмоқда. Бу уларнинг илмий аниқлигиги ни саълайди. Узбек тилида ҳам улар таржима қилинмай, асосан ўз ҳолича олинди.

Парод ва стасим — асаддаги асосий қисмларнинг чегаралари ҳисобланаб, бири — хорнинг ҳаракат майдонига — саҳнага кираверишдаги, бири — унга киргандан кейинги ашуласидир.

Эпизодий — персонажларнинг диалоглари, яъни воқеалар қисми, унда хор ҳам бир персонаж сифатида иширок этади.

Пролог — пароддан олдин келадиган ибтидо. Бу термин, маълумки, ҳозирги адабиётда ҳам ўз маъносида қабул қилинган.

Эскод — ҳозир қўлланиладиган эпилогга яқин, хотима маъносида. Антик эскоддан кейин хор ашула айтмайди.

Хорнинг ашуалари одатда Строфа ва Антистрофага бўлинади, буларнинг шаклий айримаси йўқ, фақат ашула қисмларини билдиради. Ашуланинг сўнгги қисми Эпод деб аталади.

ИЗОҲЛАР

- Кадм — Эдипнинг аждодларидан.
Паллада — Афинанинг сифатларидан, эзгу номларидан бири.
Исмена — Фивада бир дарё. Унинг соҳилида ёндирилган қурбонлик кулига қараб фол очилар экан.
Аждаҳо — Фива шаҳри яқинида пайдо бўлиб, ўткинчиларга жумбоқ айтар эмиш. Унинг жумбоқларини ҳеч ким ечолмай, ҳамма бу муддиш маҳлуқнинг панжасида ҳалок бўлиб келаркан.Faқат Эдип жумбоқни ечиб оғатни даф этган эмиш.
қуш — муқаддас Дельфанинг қадимги номи. Унда жуда бой, заррин эҳром бўлган.
Пифон —

На узбекском языке

**Софокл
Царь Эдип
(трагедия)**

Перевод с издания издательства художественной литературы, Москва, 1958

Редактор-*М. Авзам*
Рассом *К. Воробьев*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Е. Потапова*
Корректор *Р. Содиқбекова*

ИБ № 746

Босмахонага берилди 17.06.79. Босишга рухсат этилди 11.10.79. Формати 84Х100^{1/2}. Босмахона ёғози № 1. Мактаб гарнитураси. Ююри босма. Шартли босма л. 8,7. Нашр л. 8,49. Тиражи 10000. Заказ № 79. Баҳоси 40 т. Мелованний ёғозда баҳоси 60 т. Гафур Гулом иомидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.

Софокл.

Шоҳ Эдип: Трагедия. А. Мухтор таржима-
си.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
76 б.

Қадимги юнос трагик драматурги Софоклининг «Шоҳ
Эдип» трагедияси ўзбек тилида биринчи марта жашр
еттилмоқда.

Таржимон ўзбек китобхондори учун тушунмалашини
хайни бўлгани ва узундан-узоқ изоҳлар тадаб ҳизматиган
ижроини даражали шахслар ва худодарнинг отварини,
географик номларни, этиник группаларнинг атамалари-
ни, баъзи бир жумлаларни таржима текстидан ту-
шириб колдирган. Шу мезнода бу нашрий оркни таржи-
ма деб ҳам ҳисоблаш мумкин.

Софокл. Царь Эдип. Трагедия.

ББК 84(3)3
А

C ————— 70304—221
M 352 (04)79 ————— 112—79—3704050000